

Хусинов Ибрагим Исмаилович,
Тошкент Молия институти, и.ф.н,
доцент.
Рахимова Муқаддас Ибрагимовна,
Тошкент Молия институти,
магистранти.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЎСИШГА ЭРИШИШДА ТАШҚИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УЛАРНИНГ САЛМОҒИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ривожлантиришни сифат жиҳатидан яхшилаш учун инвестицион фаолиятни ривожлантириш, инвестицияларнинг тармоқлар ҳамда ҳудудлар бўйича тақсимланишини, шу билан улардан самарали фойдаланишни баҳолаш асосида умумий хулосалар қилинган ва яхшилаш бўйича таклифлар берилган.

В статье приведены общие выводы и предложения для улучшения инвестиционной деятельности, распределения инвестиций по отраслям и регионам, а также для оценки эффективности и дальнейшего развития качественного аспекта экономики Республике Узбекистан.

The article provides general conclusions and suggestions for improving investment activity, the distribution of investments by industry and region, as well as for assessing the effectiveness and further development of a qualitative aspect of the economy of the Republic of Uzbekistan.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши, барқарор иқтисодий ўсишга эришиши, аҳоли даромадларининг ошиши, турмуш шароитининг яхшиланиши аксарият ҳолатларда миллий иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига жалб этилаётган инвестиция маблағларининг ҳажми ҳамда таркибига боғлиқ. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг устувор йўналишларидан бири миллий иқтисодиётга инвестиция маблағларини кўпроқ жалб этишни рағбатлантиришдир.

Қисқа муддат ичида ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ривожланаётган давлатлар даражасига етказишни ўз олдига мақсад қилиб олган Ўзбекистон

учун инвестицион жозибадорлигини тадқиқ этиш, инвестиция маблағларини жалб қилиш ва уларнинг миқдори доимий равишда ўсиб боришини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Инвестициялар ва инвестицион фаолиятни ривожлантириш учун аввало, инвестицион фаолиятнинг энг муҳим элементи «инвестиция»нинг моҳияти ва мазмунига аниқлик киритиб олайлик.

Инвестиция - лотинча сўздан олинган бўлиб, “капитал солиш”, “капитал кўйиш” деган маъноларни англатади.

Р.Кемпбелл, Л.Стенли [4] томонидан “Инвестициялар – келажакда даромад ва ижтимоий самара олиш мақсадида капитални ҳар қандай шаклда кўйиш сифатида ифодаланади”.

Иқтисодчи олимлар Д.Ғозибеков ва Т.Қоралиевларнинг фикрича, “Инвестиция-даромад (фойда) ёки ижтимоий самара келтирадиган ва тадбиркорлик, ишбилармонликнинг давлат томонидан тақиқланмаган фаолиятларига жалб қилинадиган (сарфланадиган) барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал бойликлар”дир [5].

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонунида қайд этилишича, инвестициялар — инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмӣ ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни англатади [1].

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, инвестиция деганда сармоядорлар томонидан келажакда фойда олиш мақсадида барча турдаги: мулкӣ, молиявий ва номоддий бойликларни муддатли банд этиш тушунилади.

Шуни алоҳида такидлаш лозимки, жаҳон ҳамжамиятининг ҳозирги тараққиёт босқичида ҳеч қандай мамлакат инвестицияларсиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эриша олмайди. Бундан ташқари нафақат ўсиш, балки сифат жиҳатидан ўсишга эришиш учун хорижий инвестициялар миқдорини оширишга ҳаракат қилиш орқали иқтисодиётнинг реал секторига замонавий техника ва технологияларни жалб қилиш таъминланишига эришишимиз мумкин. Ушбу долзарб муаммо доимо давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг эътиборидадир.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини

жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмларини жорий этиш ва инвестицион муҳитни янада яхшилаш иқтисодий ривожланиш соҳасидаги энг муҳим долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, “Мамлакатимизда инвестиция сиёсатини кучайтириш масаласига биз алоҳида устувор аҳамият қаратамиз” [2].

Инвестициялар миқдорини ошириш учун асосан инвестицион муҳитни яратиш, яъни жозибадорлигини оширишга асосий эътибор қаратишимиз зарур.

Капитал қўйилмалардан келган даромад миқдори уларнинг дастлабки ҳажмидан ошган вақт инвестицияларни қоплаш муддати, деб аталади. Бу кўрсаткич иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги капитал сарфлаш самарадорлигининг энг зарур кўрсаткичидир.

Амалиётда кичик тадбиркорлик субъектларига қилинган узоқ муддатли инвестиция қўйилмалари 2–3 йил муддатда қопланади, узоқ муддатли инвестиция қўйилмаларини тўлиқ қоплаш учун йирик корхоналар бўйича эса 10–15 йил ва ундан кўпроқ муддат зарур бўлади.

Инвестицияларни, янги техника ва технологияларни ҳамда инновацияларни жорий этишдаги мавжуд тўсиқларга қуйидагилар киради:

- малакали муҳандис ва ишчи кучлари етишмаслиги;
- янги технологияларни қамраб олиш учун заиф ички бозор;
- технологиялар ҳақида маълумотлар етишмаслиги.

Хорижий инвесторлар учун берилган имтиёзлар ва молиявий-иқтисодий рағбатлантириш тизими инвестициявий жозибадорликнинг муҳим омили ҳисобланади. Булар эса тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ишлаб чиқариш соҳаси, хусусан, экспорт салоҳияти юқори бўлган саноат тармоғига йўналтирилишини таъминлайди.

XXI асрнинг биринчи ўн йиллигидан кейинги иқтисодий ривожланиш даврида мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирилган капитал маблағлар ҳажми ва унинг таркибидаги ўзгаришларга эътиборимизни қаратсак, унда инвестициялар ҳажмининг кескин ортганлигини ва таркиби сифат жиҳатидан бир мунча яхшиланганлигини кўришимиз мумкин.

1- жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар жалб қилинишининг динамикаси (млрд. сўмда)

Кўрсаткичлар	2000 й.	2017 й.	2018 й.	Январь – сентябрь 2019 й.
Асосий воситаларга инвестициялар - жами	744,5	72155,2	124231,3	189900.0
Асосий активларга инвестициялар ЯИМдаги улуш сифатида	22,9	23,9	30,5	37,0
Уй-жой ва ижтимоий-маданий объектларни янги қурилиш ва реконструкция қилиш йўли билан ишга тушириш: майдони минг м ²	8006,1	11456,4	13398,6	9937,1
умумтаълим мактаблари, минг ўқувчи ўринлари	17,3	94,6	80,4	87,9
касб-ҳунар коллежлари, минг ўқувчи ўринлари	68,8	0,2	-	-
лицейлар, минг ўқувчи ўринлари	7,5	-	-	-
касалхоналар, минг ётоқлик	0,7	4,3	6,1	2,8
поликлиника муассасалари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, сменага ташриф буюрувчилар сони	8,3	7,7	20,0	7,5
Қурилиш ишлари, млрд. сўм	388,4	34698,0	51129,3	50922,2

(ЎзР Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси)

Асосий воситаларга кирилган инвестициялар умумий миқдори кейинги 18 йил ичида 17.7 маротаба ўсган ҳолда 2018 йилда 12 млрд. 423 млн. сўмга тенг бўлган. Ушбу инвестицияларнинг асосий қисми – 50 % га яқини қурилиш ишларига йўналтирилган.

Хорижий мамлакатлар, хусусан, янги индустриал давлатлар, Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий ўсиш даражаси бўйича 10 % дан юқори кўрсаткич қайд қилинган даврда мамлакат иқтисодиётига киритилган инвестициялар салмоғи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбатан 35–40 % ни ташкил этган. Уларнинг сезиларли даражадаги ҳажми ички инвестициялар салмоғига тўғри келган.

Инвестицияларнинг ЯИМдаги салмоғи 2000 йилдаги 22.9 % дан 2019 йилга келиб, 37 фоизга етган, яъни 14.1 фоизга ортган.

Мазкур кўрсаткич дунё мамлакатлари миқёсида ҳисобланган инвестицияларнинг ўртача салмоғи даражасида ҳисобланади. Ушбу инвестицияларнинг асосий қисми ижтимоий соҳа объектларига йўналтирилган бўлиб, кам қисмигина реал секторга йўналтирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш суръатини ошишига ҳамда иқтисодиётда сифат жиҳатидан сакрашга эришиш имконини бермайди.

Кўриниб турибдики, чет эл инвесторларига яратилган шарт-шароитлар, хусусан, ўз вақтида меъёрий-ҳуқуқий базанинг шакллантирилгани 2018 йилда хорижий инвестициялар миқдори 2010 йилдагига нисбатан деярли 4 баробардан кўпирок ўсишига сабаб бўлган.

Инвестицияларнинг умумий миқдоридаги ўсишни баҳолаш билан бирга молиялаштириш манбалари бўйича ўрганиб, уларнинг таркибий тузилишини баҳолаш орқали кўпайишига қандай омиллар таъсир қилаётганини ўрганиш имконияти яратилади. Инвестициялар қайси манбалар ҳисобига амалга оширилаётганлигининг иқтисодий таҳлили натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Айтиш жоизки, мамлакат иқтисодиёти ривожланишини таъминлашда чет эл капитал қўйилмалари орасида мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри кириб келаётган хорижий инвестициялар салмоғининг сезиларли даражада ўсаётгани ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки, давлат кафолатсиз мамлакат иқтисодиётига инвесторлар капитал маблағларини йўналтиришлари уларнинг миллий иқтисодиётда фаолият юритиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган барча рискларни (таваккалчиликларни) ўз зиммаларига олганликларидан ҳамда иқтисодиётда инвесторларга яратилган шароитлардан қониқиш ҳосил қилганларидан далолат беради.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инвестицияларнинг асосий қисми банк кредитлари ва чет эл инвестициялари ҳамда чет эл кредитлари ҳисобига амалга оширилмоқда.

2-жадвал

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий воситаларга инвестициялар таркиби

(жами фоизда)

Худудлар	Корхоналар ва аҳолининг ўз воситалари	Қабул қилинган маблағлар	Улардан:			Корхоналар ва аҳолининг ўз воситалари	Қабул қилинган маблағлар	Улардан:		
			давлат бюджети	банкларнинг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари			давлат бюджети	банкларнинг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	чет эл инвестициялари ва кредитлари
Ўзбекистон Республикаси	47,3	52,7	4,8	12,6	23,8	42,0	58,0	4,5	17,8	24,3
Қорақалпоғистон Республикаси	62,8	37,2	7,4	12,2	10,0	37,9	62,1	3,0	14,1	23,7
<i>Вилоятлар:</i>										
Андижон	65,6	34,4	4,0	18,1	7,2	47,8	52,2	4,1	25,7	14,8
Бухоро	20,6	79,4	0,9	3,8	71,0	35,5	64,5	2,4	13,9	44,0
Жиззах	55,4	44,6	6,7	18,6	10,8	44,3	55,7	9,4	26,8	8,7
Қашқадарё	39,1	60,9	1,5	5,6	18,0	33,6	66,4	1,9	6,3	51,1
Навоий	46,5	53,5	5,1	10,9	24,2	37,1	62,9	0,7	6,0	34,0
Наманган	49,9	50,1	3,6	11,6	31,6	29,7	70,3	2,8	15,7	33,5
Самарқанд	68,4	31,6	5,5	18,6	2,8	57,5	42,5	2,7	27,1	4,7
Сурхондарё	50,0	50,0	7,1	14,3	11,5	34,9	65,1	3,2	28,9	21,4
Сирдарё	38,7	61,3	18,7	30,2	4,6	34,9	65,1	9,6	36,1	9,6
Тошкент	51,4	48,6	4,3	21,3	12,0	51,0	49,0	3,4	20,7	9,6
Фарғона	67,9	32,1	8,2	14,7	5,8	46,1	53,9	3,6	22,9	19,4
Хоразм	64,5	35,5	6,9	13,3	6,8	49,1	50,9	5,0	25,0	8,5
Тошкент ш.	52,8	47,2	7,2	16,2	18,1	49,7	50,3	6,0	20,3	15,1

(ЎзР Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси)

Инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича куйидаги натижалар олинди: 2018 йилда марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестицияларнинг улуши ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 3,1 фоиз пунктга камайиб, 26,6 фоизни ёки 50,6 трлн. сўмни, мос равишда марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестицияларнинг улуши 5,3 фоиз пунктга кўпайиб, 58,0 фоизни ташкил қилган.

Корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган асосий капиталга инвестициялар улуши 2018 йилда 2017 йилдагига нисбатан 5.3 фоизга камайиб, 42 фоизга тенг бўлган.

2018 йилда ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бир мунча ошиб салмоғи 24.3 фоизга етган. Ушбу кўрсаткич охириги йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори ҳамда салмоғи йилдан йилга ўсиши чет эллик инвесторларнинг ишончи ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Шунингдек, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг салмоғи 2018 йилда 17.8 фоизни ташкил этиб, 2017 йилдагига нисбатан 5,2 фоиз пунктга ўсди.

Четдан инвестицияларни жалб қилишнинг энг юқори даражаси 2017–2018 йилларда Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Наманган вилоятларига тўғри келиб, 33,5-51,1 % оралиғида бўлди. Бу кўрсаткич бир мунча юқоридир, қолган вилоятларда эса бир мунча паст бўлди. Бу боради энг паст кўрсаткич Самарқанд 4.7%, Хоразм 8.5% вилоятларида қайд этилди. Демак, инвестицияларни жалб қилиш бўйича паст кўрсаткичга эга барча вилоятларда инвестицион муҳитни яхшилашга асосий эътиборни қаратиш зарур.

Фаол инвестиция сиёсати барқарор иқтисодий тараққиётга эришишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2019 йил мамлакатимизда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”, деб эълон қилинди. 2019 йилги инвестиция дастурига 16,6 миллиард долларлик 3 мингдан зиёд лойиҳа киритилган. Бу 2018 йилдагига нисбатан 16 фоиз кўпдир. Қайд этилганидек, хорижий давлатлар ва инвесторлар билан фаол иш олиб борилаётгани натижасида жами инвестицияларнинг 25 фоизини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этмоқда.

Энг муҳими, инвестиция лойиҳаларини тўғри жойлаштириш керак. Бу борада инвесторларнинг ягона талаби – лойиҳа мўлжалланган жой зарур инфратузилма тармоқларига эга бўлишидир. Шундагина асосий мақсад – инфратузилма мавжуд ва ривожланиши қулай бўлган жойларга инвесторлар жалб қилинса, саноатнинг тизимли ривожланишига эриша оламиз. [3]

Инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилишни кўпайтириш ва уларнинг таркибий тузилишида ижобий силжишларга, яъни ташқи инвестициялар салмоғи ва миқдори ошишига эришсак, бизнингча, бугунги кунда мавжуд бўлган қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш имконияти яратилади:

биринчидан, ички бозорда талабгор бўлган - импорт товарлари ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни қуриш, янги иш ўринларини шакллантириш орқали кўпироқ қўшимча қиймат қўшадиган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини яратамиз;

иккинчидан, миллий иқтисодиётда технологик янгиланиш амалга ошади ва миллий саноат ишлаб чиқаришига янги техника ва технологияларни жорий қилиш мумкин бўлади, бу эса жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган миллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон беради;

учинчидан, миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграллашуви таъминланади ва иқтисодиётда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишга замин яратилади;

тўртинчидан, ушбу ишларнинг амалга оширилиши меҳнат унумдорлиги ошиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги таъминланишига олиб келади, бу эса, ўз навбатида, аҳоли фаровонлиги ошишига имкон беради.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, иқтисодиётга инвестициялар жалб қилишни жадаллаштириш, миллий иқтисодиётга йўналтирилган ички ва хорижий инвестициялар ҳажмининг ортишига, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, пировардида мамлакатимиз тараққиёти юксалишига, мамлакат салоҳияти яхшиланишига ҳамда халқимиз фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” қонуни. 2019 йил 25 декабрь, ЎРҚ-598-сонли. // www.lex.uz.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. 2016 7 декабрь йил. // www.gazeta.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.
4. Кемпбелл Р., Стенли Л. Экономикс. 2-том. – М.: Республика, 1992. 388 стр.
5. Ғозибеков Д., Коралиев Т. Инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: Матбаачи, 1993 й., 6-б.